

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НАСЫРОВА АЗИЗА КАМОЛЖОНОВНА**

**АУТОИММУН ТИРЕОИДИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА  
ЭНДОТЕЛИАЛ ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ КЛИНИК ВА ГЕНЕТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Насырова Азиза Камолжоновна**

Аутоиммун тиреоидит билан касалланган  
беморларда эндотелиал дисфункциясининг  
клиник ва генетик хусусиятлари..... 3

**Насырова Азиза Камолжоновна**

Клинико-генетические особенности  
эндотелиальной дисфункции у  
больных с аутоиммунным тиреоидитом..... 31

**Nasirova Aziza Kamoljonovna**

Clinical-genetic features of endothelial  
dysfunction in patients with  
autoimmune thyroiditis..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 64

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НАСЫРОВА АЗИЗА КАМОЛЖОНОВНА**

**АУТОИММУН ТИРЕОИДИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА  
ЭНДОТЕЛИАЛ ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ КЛИНИК ВА ГЕНЕТИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.03 – Эндокринология**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tib2654 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.endomarkaz.uz](http://www.endomarkaz.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нажмутдинова Дилором Камардиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шамансурова Зулайхо Муралимжановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Алимухамедова Гулрух Айбековна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: [info@endomarkaz.uz](mailto:info@endomarkaz.uz)).

Диссертация билан Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56уй. Тел/факс: (+99871)262-27-02).

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**З.Ю. Халимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**У.А. Мирсаидова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Х.К. Насирова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аутоиммун тиреоидит (АИТ) қалқонсимон безининг энг кенг тарқалган касалликларидан бири ҳисобланади. Қалқонсимон безнинг ва унинг аутоиммун касалликлари орасида етакчи ўринни сурункали аутоиммун тиреоидит эгаллайди. АИТ натижасида гипотиреоз ривожланиши эҳтимоли мавжуд бўлиб, аҳолида тарқалиши 0,2% дан 2% гача, 50 ва ундан катта ёшдаги гуруҳда эса 12-15% ни ташкил қилади. Шу билан бирга, «...антитиреоид антитаначалар соғлом шахсларнинг 10-15% да аниқланиши мумкин. Эркаклар ва аёллар орасидаги касалланиш нисбати 1:4 дан 1:10 гача...»<sup>1</sup>. Касалликнинг иккита асосий: гипертрофик ва атрофик шакллари мавжуд. Уларнинг ҳар бири гипотиреоз ривожланишига олиб келиши мумкин. Гипотиреоз бу қалқонсимон без гормонларининг сурункали етишмовчилиги натижасида юзага келадиган клиник синдром. Бирламчи гипотиреоз бу кенг тарқалган касаллик бўлиб, унинг манифест шакли аҳолининг 0,2-2% да, субклиник шакли эса аёлларнинг 7-10% да ва эркакларнинг 2-3% да учрайди<sup>2</sup>. Шу сабабдан АИТнинг ривожланиш механизмларини аниқлаш ва ишончли диагностика усулларини, шу жумладан иммунологик ёндашувларини ишлаб чиқиш замонавий эндокринология соҳасидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда аутоиммун тиреоидитнинг патогенези иммун назорати механизмларининг бузилишлари ёки эндокрин безлар хужайраларининг тузилмасидаги аномалиялар билан боғлиқлигини аниқлаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада АИТ юрак-қон томир касалликлари хавфини ошириши ёки гормонал терапиянинг бундай хавфга таъсири ҳақида ягона илмий позицияни ишлаб чиқиш, организмдаги тиреоид гормонларининг етарли бўлмаслиги оқибатида дисметаболик ўзгаришлар ва натижада турли органлардаги, аввало, юрак-қон томир тизимидаги структур-функционал бузилишларни олдини олиш, АИТ билан касалланган беморларнинг ўз кузатувлари, айниқса, субклиник гипотиреозни тадқиқ қилиш, юрак-қон томир патологиясини яширишга мойил бўлган ҳолда, АИТ билан касалланган беморларда гемодинамик ўзгаришларни диагностика қилиш, даволаш ва башорат усулларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, АИТнинг ривожланиш механизмларини тушуниш ва аниқ ҳамда ишончли диагностика усулларини ишлаб чиқишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга

<sup>1</sup><https://www.probl-endojournals.ru/jour/article/view/12747>

<sup>2</sup>[https://www.researchgate.net/publication/311956284\\_Correlation\\_of\\_Diabetes\\_Mellitus\\_and\\_Thyroid\\_Pathology\\_Literature\\_Review](https://www.researchgate.net/publication/311956284_Correlation_of_Diabetes_Mellitus_and_Thyroid_Pathology_Literature_Review)

кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>3</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, АИТ билан касалланган беморларда гемодинамик ўзгаришларни диагностика қилиш, даволаш ва башоратлаш усуллари ишлаб чиқишни юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2022 йил 26 январдаги ПҚ-102-сон «Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** АИТ юрак-қон томир тизимида кўплаб бузилишлар билан кечади. АИТ билан касалланганларнинг 70–80% да юрак шикастланиши белгилари мавжуд: гипотиреод миокардиодистрофия, организмдаги тиреоид гормонларининг камайиши натижасида юзага келади. Адабиёт маълумотларига кўра, АИТ аёллар орасида 40-50 ёшда (аёллар ва эркеклар нисбати 10-15:1) кўпроқ учрайди, аммо бу ёшдан ҳам кичик ёшда кузатилиши мумкин. Субклиник гипотиреоз аутоиммун тиреоидитнинг кенг тарқалган ҳолати бўлиб, аҳолида 6-17% ни ташкил қилади (Н.Г.Чилидзе, С.З.Глотин, 2022). Генетик мойиллик АИТ ривожланишидаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Замонавий тадқиқотлар шуни тасдиқламоқдаки, муайян генетик маркерлар мазкур касаллик пайдо бўлиши ва унинг кечишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. АИТ билан боғлиқ генетик омилларни ўрганиш патогенез механизмларини яхшироқ тушунишга, шунингдек, касалликни аниқроқ ташхислаш ва унинг кечишини башорат қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга ёрдам беради. IL-17Анинг қон томирлари ва юрак ҳужайраларига таъсир қилиб, яллиғланиш, қон ивиши ва тромб ҳосил бўлишига олиб келиши исботланган. PLOS ONE журналида чоп этилган тадқиқотда IL-17Анинг аутоиммун касалликлар патогенезидаги асосий воситачи сифатидаги роли баҳоланган. IL-17А эндотелий яллиғланишига ERK сигнал

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

йўли орқали ёрдам бериши тасдиқланган. ERK сигнал йўли IL-17A томонидан кўзгатишган эндотелий шикастланиши жараёнида муҳим рол ўйнайди (Xing X, Yang J, Yang X, Wei Y, Zhu L, Gao D, 2013). Тиреоид гормонларининг камайиши юрак ва қон-томир фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши тўғрисида маълумотлар мавжуд. Адабиётларда юракнинг систолик ва диастолик функцияларининг бузилиши, тикланувчи эндотелиал дисфункция, периферик қон томир қаршилигининг ошиши, юракнинг минимал структур-геометрик ўзгаришлари, жумладан чап қоринча миокард массасининг қисман ошиши келтирилган (Здор В.В., Маркелова Е.В., Гельцер Б.И., 2016; Трошина Е.А., Дедов И.И., 2021; Tan Q, Chen M, Yang H, Guo Y, Zou X., 2024). АИТнинг носпецефик симптомлари туфайли, уни ўз вақтида аниқлаш айрим ҳолларда қийинлашади ва кўпинча, юрак-қон томир тизимида нафақат функционал, балки органик ўзгаришлар ҳам ривожланганидан сўнг ташхис қўйилади, бу эса беморни комплекс текширувдан ўтказишни (ЭКГ, ЭхоКГ, АҚБСМ) талаб қилади. Шу боис, тиреодологиядаги долзарб муаммолардан бири — эндотелиал дисфункция ривожланишини олдини олиш ва олдини олишга ёрдам берадиган энг информатив предикторларни аниқлаш, бу жиддий юрак-қон томир асоратларига олиб келади, шу билан бирга АИТ билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва умр давомийлигини узайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистонда қалқонсимон без касалликларини эрта аниқлашга, янги даволаш усулларини жорий қилиш ва қўллашга эътибор қаратилмоқда (Исмоилов С.И., 2015, 2019). Ўзбек популяциясида HLA-B5 антигенининг аутоиммун тироидит ривожланишидаги ҳимоявий роли, шунингдек HLA-B22, CW1 ва A2-B22 антигенларининг HLA-белгилари ўрганилган (Қаюмова Н.Л., 2005). Бундан ташқари, витаминлар ва микроэлементларнинг аутоиммун тироидит ривожланишига таъсири ўрганилган (Ахмедова Ш.У., 2016; Нажмутдинова Д.К., Урунбаева Д.А., Садикова Н.Г., 2023). Республикамизда аутоиммун тиреоидитнинг патогенези иммун назорати механизмларининг бузилишлари ёки эндокрин безлар ҳужайраларининг тузилмасидаги аномалиялар билан боғлиқлигини аниқлаш борасида тадқиқотлар олиб борилган, бироқ АИТ билан касалланган беморларда эндотелиал дисфункциянинг клиник ва генетик маркерларини эрта диагностикада ахамияти етарлича ўрганилмаган.

Мавжуд адабиётларда АИТ билан касалланган беморларда гемодинамик ўзгаришларнинг биокимёвий ва генетик маркерларини ўрганишга бағишланган изланишлар етарли эмас. Йод танқислиги шароитида, айниқса, бизнинг минтақамизда, ушбу муаммони ўрганиш илмий ва амалий жиҳатдан зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг №011100158 «Ички касалликларни ташхислаш ва даволашни самарадорлигини оширишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш. Профилактиканинг рационал йўллари» (2021-2024йй) мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда эндотелиал дисфункциянинг клиник ва генетик маркерларини эрта диагностикада ахамиятини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

АИТ билан касалланган беморларнинг клиник-анамнестик, гормонал ва инструментал маълумотларини таҳлил қилиш;

АИТ билан касалланган ўзбек миллатига мансуб беморларда 17A, 17F ва 23R интерлейкин генларининг полиморфизмини аниқлаш;

генетик, клиник ва лаборатор параметрлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

АИТ ва эндотелиал дисфункцияга эга бўлган беморларни юритиш тамойилларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасида АИТнинг турли босқичларида бўлган 113 нафар беморлар, назорат гуруҳи 94 нафар соғлом шахслар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида беморлар анамнези, объектив кўрик, гормонал тадқиқотлар: ТТГ, эркин Т4, ТПОга қарши антитаначалари; эндотелиал дисфункция маркерлари: Виллебранд омили, коагулограмма, С-реактив оқсил, липид спектри; генетик тадқиқотлар – интерлейкин 17A, 17F ва 23R генларининг полиморфизмини ПЗР-диагностика усули билан аниқлаш. Диагностиканинг инструментал усуллари: қалқонсимон без УТТ, ҚБ, ЭхоКГ.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда эндотелиал дисфункциянинг клиник ва генетик маркерларини эрта диагностикада ахамиятини баҳолаш учун клиник-биокимёвий, гормонал, генетик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

биринчи марта ўзбек миллатига мансуб аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда интерлейкин 17A, 17F ва 23R генларининг полиморфизмлари аниқланган. Шунингдек IL17A гени G197A полиморфизмининг таҳлилида гетерозигота GA, мутант AA генотиби ва мутант A аллели сезиларли даражада ошганлиги исботланган;

IL17A генининг G197A полиморфизми ва гемодинамик ўзгаришлар ўртасида боғлиқлик аниқланиб, ушбу генетик маркернинг аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда эндотелиал дисфункциянинг ривожланишида муҳим роли асосланган;

аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда эндотелиал дисфункциянинг кўрсаткичи - Виллебранд омили даражасининг сезиларли ўзгариши, яъни манифест гипотиреозда камайиши ва тиреотоксикозда ошиши тасдиқланган ҳолда, клиник босқичига кўра бу беморларда тиреоид гормонлар даражасини назорат қилиш зарурлиги асосланган;

аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда гормонал ва генетик параметрлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, гемодинамик ўзгаришларни эрта диагностика қилиш ва беморларни бошқариш тамойиллари илк бор ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:  
қалқонсимон без дисфункциясининг гормонал кўрсаткичлари аниқланган;  
ўзбек аёлларида АИТ билан боғлиқ IL17A генининг G197A полиморфизми аниқланган;

юрак-қон томир тизимининг таркибий ва функционал бузилишларини ривожланишининг олдини олиш учун касалликнинг босқичидан қатъи назар, АИТ бўлган беморларда эхокардиография, гормонал ва биокимёвий тадқиқотлар ўтказиш зарурлиги асосланган;

АИТ ривожланишининг генетик профилини баҳолаш учун прогностик параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-биокимёвий, гормонал, генетик, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосида аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда эндотелиал дисфункциянинг клиник ва генетик маркерларини эрта диагностикада аҳамиятини баҳолашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти патогенетик механизмлар, клиник ва генетик хусусиятлар, клиник ва генетик маълумотлар ўртасидаги боғлиқлик ва АИТ ривожланишининг башоратлаши ўрганилганлиги, беморларнинг клиник-анамнестик, гормонал ва инструментал маълумотлар базаси янгиланганлиги, ўзбек миллатига мансуб беморларда интерлейкин 17A, интерлейкин 17F ва интерлейкин 23R генларининг полиморфизми аниқланганлиги, генетик ва клиник-лаборатория параметрлари ўртасидаги боғлиқлик аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диагностика ва АИТни бошқариш ёндашувлари такомиллаштирилганлиги, юрак-қон томир асоратларининг олдини олиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги, бирламчи бўғин шифокорлари, шу жумладан эндокринологлар, терапевтлар ва кардиологлар учун АИТ билан эндотелиал дисфункцияни диагностика қилиш усуллари тавсия этилганлиги, АИТ ривожланишининг прогностик параметрлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларнинг эндотелиал дисфункциясининг клиник ва генетик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* биринчи марта ўзбек миллатига мансуб аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда интерлейкин 17A, 17F ва 23R генларининг полиморфизмлари, шунингдек IL17A генининг G197A полиморфизми таҳлили асосида гетерозигота GA, мутант AA генотипи ва мутант А аллели сезиларли даражада ошганлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт

кенагши томонидан 2023 йил 23 ноябрда 11-23/187-т-сон билан тасдиқланган «Аутоиммун тиреоидит ривожланишининг молекуляр-генетик текширув усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 50-оилавий поликлиника бўйича 13.02.2024 йилдаги 121-сон ҳамда Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 59-оилавий поликлиника бўйича 14.02.2024 йилдаги 34-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 5-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* IL17A генининг G197A полиморфизми салбий генотипик вариантлари аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда сезиларли даражада кенг тарқалган. IL17A генининг G197A полиморфизми учраши тақсимотини таҳлил қилиш кўрсаткичлари AA мутант генотипининг пайдо бўлиши АИТ босқичига боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Ушбу локуснинг салбий генотипларини аниқлаш бу усулдан АИТнинг эрта прогностик белгиси сифатида фойдаланиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда мазкур касалликни даволашга сарфланадиган 78,6% бюджет маблағлари аутоиммун тиреоидит касаллигини эрта аниқлаш ва унинг юрак-қон томир касалликлари асоратларини ва ногиронликни олдини олиш, меҳнат қобилиятини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш натижасида иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* IL17A генининг G197A полиморфизми ва гемодинамик ўзгаришлар ўртасида боғлиқлик аниқланиб, аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда эндотелиал дисфункциянинг ривожланишида ушбу генетик маркернинг муҳим роли асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 23 ноябрда 11-23/187-т-сон билан тасдиқланган «Аутоиммун тиреоидит ривожланишининг молекуляр-генетик текширув усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 50-оилавий поликлиника бўйича 13.02.2024 йилдаги 121-сон ҳамда Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 59-оилавий поликлиника бўйича 14.02.2024 йилдаги 34-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 5-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* IL17A генининг G197A полиморфизми салбий генотипик вариантлари аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда сезиларли даражада кенг тарқалган. IL17A генининг G197A полиморфизми учраши тақсимотини таҳлил қилиш кўрсаткичлари AA мутант генотипининг пайдо бўлиши АИТ босқичига боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Ушбу локуснинг салбий генотипларини аниқлаш бу усулдан АИТнинг эрта прогностик белгиси сифатида фойдаланиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда мазкур касалликни даволашга сарфланадиган 78,6% бюджет маблағлари аутоиммун тиреоидит касаллигини эрта аниқлаш ва унинг юрак-қон томир касалликлари асоратларини ва ногиронликни олдини олиш, меҳнат қобилиятини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш натижасида иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда эндотелиал дисфункциянинг кўрсаткичи - Виллебранд омили даражасининг сезиларли ўзгариши, яъни манифест гипотиреозда камайиши ва тиреотоксикозда ошиши тасдиқланган ҳолда, клиник босқичига қараб бу беморларда тиреоид гормонлар даражасини назорат қилиш зарурлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенағши томонидан 2023 йил 23 ноябрда 11-23/187-т-сон билан тасдиқланган «Аутоиммун тиреоидит ривожланишининг молекуляр-генетик текширув усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 50-оилавий поликлиника бўйича 13.02.2024 йилдаги 121-сон ҳамда Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 59-оилавий поликлиника бўйича 14.02.2024 йилдаги 34-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 5-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* IL17A генининг G197A полиморфизми салбий генотипик вариантлари аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда сезиларли даражада кенг тарқалган. IL17A генининг G197A полиморфизми учраши тақсмотини таҳлил қилиш кўрсаткичлари AA мутант генотипининг пайдо бўлиши АИТ босқичига боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Ушбу локуснинг салбий генотипларини аниқлаш бу усулдан АИТнинг эрта прогностик белгиси сифатида фойдаланиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда мазкур касалликни даволашга сарфланадиган 78,6% бюджет маблағлари аутоиммун тиреоидит касаллигини эрта аниқлаш ва унинг юрак-қон томир касалликлари асоратларини ва ногиронликни олдини олиш, меҳнат қобилиятини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш натижасида иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда, эндотелиал дисфункция ва юрак-қон томир асоратлари хавфини ҳисобга олган ҳолда, гормонал ва генетик параметрлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик асосида гемодинамик ўзгаришларни эрта диагностика қилиш ва беморларни бошқариш тамойиллари илк бор ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенағши томонидан 2023 йил 23 ноябрда 11-23/187-т-сон билан тасдиқланган «Аутоиммун тиреоидит ривожланишининг молекуляр-генетик текширув усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 50-оилавий поликлиника бўйича 13.02.2024 йилдаги 121-сон ҳамда Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 59-оилавий поликлиника бўйича 14.02.2024 йилдаги 34-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 августдаги 5-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* IL17A генининг G197A полиморфизми салбий генотипик вариантлари аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда сезиларли даражада кенг тарқалган IL17A генининг G197A полиморфизми учраши тақсмотини таҳлил қилиш кўрсаткичлари AA мутант генотипининг пайдо бўлиши АИТ босқичига боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Ушбу локуснинг салбий генотипларини аниқлаш бу усулдан АИТнинг эрта прогностик белгиси

сифатида фойдаланиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда мазкур касалликни даволашга сарфланадиган 78,6% бюджет маблағлари аутоиммун тиреоидит касаллигини эрта аниқлаш ва унинг юрак-қон томир касалликлари асоратларини ва ногиронликни олдини олиш, меҳнат қобилиятини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш натижасида иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, улардан 4 таси мақола кўринишида, жумладан Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 3 та республика ва 1та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 108 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб берилади, объект ва предмет тавсифланади, тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилади, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммонинг замонавий ҳолатига доир маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг илмий тадқиқотлари натижалари келтирилган, АИТнинг таснифи ва диагностика мезонлари, АИТнинг дунёдаги тарқалиши, АИТда эндотелиал дисфункция ривожланиш сабаблари, юрак-қон томир тизими билан боғлиқ асоратлар тавсифланган.

Диссертациянинг иккинчи боби — «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**»да тадқиқ этилган гуруҳларнинг клиник хусусиятлари, қўлланган лаборатор-гормонал ва генетик тадқиқот усуллари келтирилган.

2020 йилдан 2023 йилгача Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасида АИТ билан касалланган 113 беморнинг комплекс клиник-лаборатория текширувлари ўтказилган. Беморлар ушбу тадқиқотга киритиш ва чиқариш мезонлари асосида танлаб олинган. Хусусан, асосий гуруҳни ташкил этган 113 бемор ва назорат гуруҳини ташкил этган 94 соғлом шахсларда генетик тадқиқот ўтказилган. Барча беморларда текширув давомида анамнез, лаборатория ҳамда инструментал тадқиқотлар натижалари батафсил йиғилган. АИТ диагностикаси клиник тавсиялар асосида амалга оширилди.

Барча текширувлар асосий ва назорат гуруҳларида 18 ёшдан катта шахсларда беморнинг розилиги асосида ўтказилган. Тадқиқотга киритиш мезонлари турли босқичлардаги АИТ ташхиси тасдиқланган беморлар эди. Тадқиқотдан чиқариш мезонлари бошқа аутоиммун касалликлар, оғир соматик касалликлар, шунингдек, сурункали инфекциянинг кучайиши, 18 ёшдан кичик шахслар, ҳомиладорлик ва постгравидар давр, шунингдек, онкологик касалликларга эга беморлар эди. Қалқонсимон безнинг функционал фаолияти тиреотроп гормон, эркин тироксин ва тиреопероксидазага қарши антитаналар даражасига қараб баҳоланган.

Қонда ТТГ, эркин Т4 ва АТ-ТПО миқдорини аниқлаш Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиника лабораториясида Mindray (Хитой) автоанализаторида "Human" (Германия) фирмаси реактивлари қўлланган ҳолда иммунофермент усули орқали ўтказилган. Қон ивиш тизимининг ҳолати қуйидаги мезонлар асосида баҳоланган: АЧТВ Caenet усули бўйича, ПТИ Квик усули бўйича, плазмадаги фибриноген концентрацияси Рутберг усули бўйича, МНО Квик усули бўйича, қоннинг ивиши Сухарев усули бўйича. Шунингдек, С-реактив оксил миқдорий усулда, Виллебранд омили иммунхемилюминесцент усулида текширилган. Қондаги липид спектрни баҳолаш усуллари УХ, ЮЗЛП, ПЗЛП, ЎПЗЛП, атерогенлик коэффициенти ва триглицеридлар миқдори аниқланган. Барча ўлчовлар Mindray (Хитой) автоанализаторида "Human" (Германия) фирмаси реактивлари ёрдамида ферментатив усулда ўтказилган.

Инструментал текширув усуллари қўлланилган, хусусан, барча АИТ билан касалланган беморларга ва назорат гуруҳидаги ихтиёрий қатнашувчиларда қалқонсимон безнинг ультратовуш текшируви, кардиогемодинамик кўрсаткичларни ўлчаш учун «PHILIPS Affinity 70G» (Нидерландия) аппаратида эхокардиография амалга оширилган. Артериал босим (мм с.у.) эса Коротков усулига мувофиқ тинч ҳолатда ўтирган ҳолда тонометр ёрдамида ўлчанган.

Интерлейкин 17А, интерлейкин 17F ва интерлейкин 23R генларининг полиморфизм мутацияларини тадқиқ этиш 113 та АИТ билан касалланган беморларнинг қони намунасида ва 94 та соғлом шахсларнинг қон намунасини РСНПМЦГ МЗ РУз тиббий генетика лабораториясида ўтказилган. Қондан ДНК ажратиш «РИБО-преп» реагентлар тўплами (ООО «ИнтерЛабСервис») ёрдамида амалга оширилган. Ушбу тўплам клиник материалдан умумий РНК/ДНК ажратиш ва кейинчалик уни реверс транскрипция ва полимераз занжир реакцияси усули орқали таҳлил қилиш учун мўлжалланган. ДНК ажратиш усули кремний сорбентида ДНКни марказдан қочма пробиркада фаоллаштиришга асосланган. Интерлейкин 17А, интерлейкин 17F ва интерлейкин 23R генлари учун молекуляр маркерларни аниқлаш стандарт полимераз занжирли реакция усули орқали CG-1-96 «CorbettResearch» (Австралия) ва 2720 «AppliedBiosystems» (АҚШ) ишлаб чиқарувчи кўрсатмаларига мувофиқ тест тизимларидан фойдаланган ҳолда ўтказилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Шахсий тадқиқотлар натижалари**»да ўзбек миллатига мансуб 18 дан 60 ёшгача бўлган аёллар орасида АИТнинг

тарқалиши, юрак-қон томир асоратлари, жумладан эндотелиал дисфункциянинг ривожланишига олиб келувчи хавф омиллари таҳлил қилинган.

Бизнинг тадқиқотимизга кўра, манифест гипотиреоз билан касалланган беморларда ҳолсизлик (100%), чарчоқ (80%), тери қуруқлиги (93,3%), кўз қовоқлари ва юзда шиш (86,7%) кузатишган. Юракда оғриқ эса эутиреоз босқичидаги беморларнинг 9,2% да, субклиник гипотиреозда 20% да, манифест гипотиреозда 80% да ва гипертиреоз билан касалланганлар орасида 87,5% да кузатишган.

Қалқонсимон без гормонал ҳолатини баҳолаш учун биз ТТГ, эркин Т4 ва АТ-ТПО миқдорини ўлчадик. Олинган натижаларга кўра, беморлар турли функционал фаолиятга эга бўлган 4 гуруҳга бўлинди.

### 1-жадвал


#### Қалқонсимон безнинг гормонал фаоллияти кўрсаткичлари ва АТ-ТПО миқдори


	НГ (n=94)	ЭУ (n=65)	СГ (n=25)	МГ (n=15)	ГТ (n=8)
ТТГ, мкМЕ/мл	1,51±0,79	2,47±0,67	6,09±0,30*	19,52±3,55*	0,16±0,08*
Эркин Т4, пмоль/л	13,78±3,2	14,65±2,13	13,81±2,25	5,88±2,42*	26,65±2,32*
АТ-ТПО, ЕД/мл	16,8±7,1	512,73±57,5*	716,82±103,24*	467,80±64,9*	501,98±144,65*

Изоҳ: \* — назорат гуруҳининг кўрсаткичлари билан солиштирилганда фарқларнинг ишончлилиги ( $p < 0,05$ ) баҳоланган.

Манифест гипотиреозда гипофизар-тироид тизимидаги бузилишлар ТТГ даражаси 19,52±3,55 мкМЕ/мл, эркин Т4 5,88±2,42 пмоль/л, шунингдек АТ-ТПО даражаси 467,80 ± 64,9 ЕД/млга кўтарилиши билан характерланади. Субклиник гипотиреозда эса ТТГ даражаси 6,09±0,30 мкМЕ/мл, эркин Т4 13,81±2,25 пмоль/л, АТ-ТПО 716,82 ± 103,24 ЕД/мл ташкил этган, эутиреоз босқичида эса ТТГ даражаси 2,47±0,67 мкМЕ/мл, эркин Т4 14,65±2,13 пмоль/л, АТ-ТПО 512,73 ± 57,5 ЕД/мл бўлган.

#### Аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда қалқонсимон без шаклининг хусусиятлари





**1-расм. УЗИ маълумотлари**

УЗИ маълумотларига кўра, АИТ билан касалланган беморларда қалқонсимон без паренхимасининг эхогенлигида диффуз бузилишлар, аралаш ва пасайган турлар кўпроқ учраган. АИТ билан касалланган беморларнинг кўпчилигида эхоструктуранинг бир хил эмаслиги кузатилган. Шунингдек, безнинг атрофик шакли асосан АИТнинг манифест гипотиреоз босқичидаги беморларида рўйхатга олинган.

АИТ билан касалланган беморларда эхокардиография маълумотлари таҳлили қуйидаги жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**АИТ билан касалланган беморларда ЭхоКГ кўрсаткичлари**

	НГ (n=94)	ЭУ (n=65)	СГ (n=25)	МГ (n=15)	ГТ (n=8)
ҚАТҚД, (см)	0,80 ± 0,11	0,87 ± 0,21	0,94 ± 0,16*	1,03 ± 0,15*	0,90 ± 0,12*
ЧҚОДҚД, (см)	0,84 ± 0,12	0,89 ± 0,17	0,91 ± 0,16*	1,02 ± 0,14*^	0,89 ± 0,06
СДЎ (см)	4,76 ± 0,35	4,74 ± 0,44	4,69 ± 0,42*	5,01 ± 0,63*	4,72 ± 0,44
ССЎ (см)	3,08 ± 0,25	3,12 ± 0,32	3,14 ± 0,33*	3,49 ± 0,54*^	3,21 ± 0,30
ОФ (%)	68,5 ± 3,9	63,8 ± 5,6*^	59,8 ± 5,3*	53,7 ± 7,0*^	67,85 ± 4,13
ЧҚММ (г)	147,7 ± 38,5	164,8 ± 61,0	175,8±59,6*	228,9 ± 76,1*^	130,14±47,81

Изоҳ: \* — назорат гуруҳининг кўрсаткичлари билан солиштирилганда фарқларнинг ишончилиги ( $p < 0,05$ ) баҳоланган; ^ — қалқонсимон без фаолиятининг турли ҳолатларига эга беморлар гуруҳлари ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд ( $p < 0,05$ ).

ЭхоКГ маълумотларига кўра, субклиник гипотиреозда ( $175,8 \pm 59,6$ ) ва манифест гипотиреозда ( $228,9 \pm 76,1$ ) чап қоринча миокарди массасининг ошишини кўрсатди, шунингдек, субклиник гипотиреозда отиш фракциясининг 15,4% га ва манифест гипотиреозда 25,2% га пасайиши қайд этилган.

Тадқиқот давомида аутоиммун тиреоидитнинг турли клиник босқичлари ва назорат гуруҳидаги беморларда артериал қон босим кўрсаткичларини тақсимладик.

Натижалар шуни кўрсатадики, АИТ билан касалланган беморлар, айниқса субклиник ва манифест гипотиреоз босқичларида, артериал қон босимнинг юқори хавфига эга бўлиб, уларни диққат билан кузатиб боришни талаб қилади.

### 3-жадвал

#### АИТ билан касалланган беморларда АҚБни баҳолаш

	НГ (n=94)	ЭУ (n=65)	СГ (n=25)	МГ (n=15)	ГТ (n=8)
Артериал гипотония	0	12 (18,4%)	4 (16,0%)	2 (13,3%)	1 (12,5%)
Оптимал АҚБ	81 (86,2%)	37 (56,9%)	7 (28,0%)	5 (33,4%)	6 (75,0%)
Нормал АҚБ	11 (11,7%)	14 (21,6%)	8 (32,0%)	4 (26,7%)	1 (12,5%)
Юқори нормал АҚБ	2 (2,1%)	2 (3,1%)	5 (20,0%)	2 (13,3%)	0
АГ 1-даража	0	0	1 (4,0%)	2 (13,3%)	0

Изоҳ: ЖССТ бўйича тасниф.

Маълумки, эндотелий ҳолатини липид спектри, Виллебранд омили (ВО), коагулограмма ва С-реактив оқсил (СРО) кўрсаткичлари орқали баҳолаш мумкин.

Куйидаги жадвалда АИТ билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳи шахсларининг қондаги липид спектри бўйича тадқиқот натижалари кўрсатилган.

### 4-жадвал

#### АИТ билан касалланган беморларда липид спектрни баҳолаш

	НГ (n=94)	ЭУ (n=65)	СГ (n=25)	МГ (n=15)	ГТ (n=8)
УХ (ммоль/л)	4,81±0,38	5,22±0,97*	5,87±1,38*	6,42±1,16*	4,58±0,67
ТГ (ммоль/л)	1,08±0,48	1,23±0,38	1,42±0,81*	1,64±0,35*	1,19±0,29
ЮЗЛП (ммоль/л)	1,66±0,38	1,37±0,28	1,14±0,31*	1,17±0,56*	1,88±0,23
ПЗЛП (ммоль/л)	2,58±0,41	3,20±0,99*	4,09±1,20*	4,21±1,35*	2,81±0,46
ЎПЗЛП (ммоль/л)	0,48±0,22	0,56±0,18*	0,80±0,29*	0,62±0,22*	0,55±0,19
АК (нис.бирлик)	2,10±0,89	3,02±0,13*	4,31±1,61*	3,94±2,07*	2,72±0,36

Изоҳ: \* — назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик аҳамиятли фарқлар ( $p < 0,05$ ).

Назорат гуруҳи билан солиштирганда, АИТ билан касалланган беморларда эутиреоз, субклиник ва манифест гипотиреоз босқичларида УХ даражасининг статистик жиҳатдан ишончли ошиши аниқланган ( $p < 0,05$ ). ТГ концентрациясида ҳам ўхшаш динамика кузатилди. Хусусан, контроль гуруҳ билан солиштирганда, эутиреоз ва гипертиреоз босқичларидаги АИТ билан касалланган беморларда триглицеридлар даражаси ишончсиз ошган ( $p > 0,05$ ), лекин субклиник ва манифест даврларда триглицеридлар даражасининг ишончли ошиши қайд этилди ( $p < 0,05$ ). ЮЗЛП даражасини таҳлил қилишда, субклиник ва манифест даврларда қонда бу антиатероген фракцияси концентрацияси контроль гуруҳга нисбатан ишончли равишда паст бўлган ( $p < 0,05$ ). Эутиреоз ва гипертиреоз босқичларида ЮЗЛП даражаси статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлмаган ( $p > 0,05$ ). ПЗЛП, ЎПЗЛП ва атероген коэффициенти АИТ билан касалланган гуруҳларда гипертиреоздан ташқари барча клиник вариантларда ишончли равишда ошган. Демак, қалқонсимон без фаолиятининг пасайиши билан бирга липид спектрда аҳамиятли ўзгаришлар кузатилади, бу эса АИТ билан касалланган беморларда атеросклероз ривожланишини кўрсатади.

Гемостаз ҳолати АИТ билан касалланган беморларда касалликнинг турли клиник босқичларида ва назорат гуруҳида коагулограмма кўрсаткичлари орқали баҳоланган.

## 5-жадвал

### АИТ билан касалланган беморларда коагулограмма кўрсаткичлари

	НГ (n=94)	ЭУ (n=65)	СГ (n=25)	МГ (n=15)	ГТ (n=8)
Фибриноген, г/л	2,36±0,56	4,18±0,23*	4,21±0,11*	4,16±0,14*	3,82±0,62*
ХНМ	1,09±0,12	1,01±0,17	1,13±0,22	1,11±0,24	1,02±0,24
ФҚТВ, сек	29,13±4,02	29,10±5,21	28,02±4,72	28,3±3,91	27,74±3,66
ПТИ, %	86,24±13,41	91,22±14,62	94,31±15,32	94,46±13,52	89,42±9,15

Изоҳ: \* — назорат гуруҳининг кўрсаткичлари билан солиштирилганда фарқларнинг ишончлилиги ( $p < 0,05$ ) баҳоланган.

Фибриноген коагуляция тизимининг муҳим компоненти бўлиб, фибрин тўплами ҳосил бўлишида иштирок этади. Назорат гуруҳида фибриноген даражаси  $2,36 \pm 0,56$  г/л ни ташкил қилган. Эутиреоз босқичидаги беморларда унинг даражаси  $4,18 \pm 0,23$  г/л га сезиларли ошган. Субклиник гипотиреоз босқичида фибриноген даражасининг янада ошиб,  $4,21 \pm 0,11$  г/л га етгани кузатилган, бу назорат гуруҳига нисбатан ишончли фарқни кўрсатган ( $p < 0,05$ ). Манифест гипотиреоз босқичида эса фибриноген даражаси  $4,16 \pm 0,14$  г/л бўлган, бу ҳам назорат гуруҳи билан ишончли фарқ қилади ( $p < 0,05$ ). Гипертиреоз босқичида фибриноген даражаси бироз пасайиб,  $3,82 \pm 0,62$  г/л га етган, аммо бу кўрсаткич ҳам назорат гуруҳидан юқори бўлган.

Фибриноген даражасининг АИТнинг барча босқичларида ошиши сурункали яллиғланиш жараёнини кўрсатиши мумкин, чунки фибриноген ўтқир фаза оқсилларидан бири ҳисобланади. Фибриноген даражасининг ошиши тромб ҳосил бўлиш хавфининг ошириш билан боғлиқ, бу эса АИТ билан касалланган беморларда яқиндан кузатиш ва даволашни талаб қилади.

Коагулограмма маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, аутоиммун тиреодит билан касалланган беморларда коагуляция кўрсаткичлари касалликнинг клиник босқичларига қараб сезиларли ўзгарган. Энг яққол ўзгариш фибриноген даражасининг барча АИТ босқичларида ошиши бўлиб, бу коагуляция фаоллигининг кучайишини кўрсатган. ХНМ, ФҚТВ ва ПТИ кўрсаткичлари ҳам ўзгаришларни намоён қилган, лекин улар ҳали ҳам норманинг меъёрлари ичида қолади, бу эса гиперкоагуляцион ҳолатларнинг ривожланишини олдини олиш учун компенсация механизмларининг мавжудлигидан далолат беради.

Фибриноген даражасининг ошиши аутоиммун тиреодитга хос бўлган яллиғланиш жараёнлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу СРО даражасининг ошиши билан ҳам тасдиқланади, у АИТ босқичлари ва фибриноген даражаси билан корреляция қилади. Келгусидаги тадқиқотларда АИТ билан касалланган беморларда коагулограмма кўрсаткичлари ва яллиғланиш маркерлари ўртасидаги боғлиқликни батафсил ўрганиш мақсадга мувофиқдир, бу касалликни аниқлаш ва даволаш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

## АИТ билан касалланган беморларда СРОни баҳолаш

	НГ (n=94)	ЭУ (n=65)	СГ (n=25)	МГ (n=15)	ГТ (n=8)
СРО, мг/л	3,36±0,56	5,34±0,75*	6,29±1,12*	7,95±1,05*	5,14±0,66*

Изоҳ: \* — назорат гуруҳининг кўрсаткичлари билан солиштирилганда фарқларнинг ишончилиги ( $p < 0,05$ ) баҳоланган.

Жадвалда келтирилган натижалар АИТ билан касалланган беморларда СРО даражасининг назорат гуруҳига нисбатан ишончли даражада ошганини кўрсатмоқда, бу эса ушбу касалликдаги муҳим яллиғланиш жараёнини ифодалайди. Маълумотларнинг таҳлилига кўра, СРО даражаси АИТ клиник босқичига боғлиқ равишда ўзгариб туради, бу эса касалликнинг турли босқичларида яллиғланиш жараёнининг фаоллиги турлича эканлигини кўрсатган.

Эутиреоз босқичидаги беморлар СРО даражаси  $5,34 \pm 0,75$  мг/л ( $OR=0,129$ ;  $95\% CI: 0,07-0,24$ ;  $p < 0,05$ ) ни ташкил этган, бу кўрсаткич назорат гуруҳига ( $3,36 \pm 0,56$ ) нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган. Бу ҳолат, ҳатто қалқонсимон без нормал функциясида ҳам яширин яллиғланиш жараёни мавжудлигини кўрсатган. СРО даражасининг ошиши АИТнинг бошланғич босқичларига хос бўлган иммун реакциялар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Субклиник гипотиреоз босқичида СРО даражаси  $6,29 \pm 1,12$  мг/л ( $OR=0,037$ ;  $95\% CI: 0,009-0,15$ ;  $p < 0,05$ ) ни ташкил этган, бу ҳам назорат гуруҳи билан солиштирилганда ишончли фарқни кўрсатган. Бу қалқонсимон без фаолиятининг ёмонлашуви билан боғлиқ бўлган яллиғланиш жараёнининг авж олаётганини кўрсатган.

Энг юқори СРО даражалари манифест гипотиреоз босқичидаги беморларда қайд этилган —  $7,95 \pm 1,05$  мг/л ( $OR=0,009$ ;  $95\% CI: 0,0009-0,085$ ;  $p < 0,05$ ). Бу кўрсаткичнинг назорат гуруҳи билан солиштирилганда сезиларли даражада ошганлигини, бу эса қалқонсимон без гормонлари етишмовчилиги билан боғлиқ яллиғланиш мавжудлигини англатган. Маълумотлар шуни кўрсатадики, манифест гипотиреоз барча ўрганилган АИТ босқичлари орасида энг фаол яллиғланиш жараёни билан кечган.

Гипертиреоз гуруҳида СРО даражаси  $5,14 \pm 0,66$  мг/л ( $OR=0,162$ ;  $95\% CI: 0,05-0,52$ ;  $p < 0,05$ ) ни ташкил этган. Бу ҳолат яллиғланиш жараёнининг мавжудлигини кўрсатади, бу эса қалқонсимон безга таъсир этувчи аутоиммун фаолият билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шу тариқа, тадқиқот натижалари аутоиммун тиреоидитда яллиғланиш жараёнларининг патогенезини чуқурроқ ўрганиш зарурлигини ва яллиғланишни камайтириш ҳамда беморлар учун клиник натижаларни яхшилашга қаратилган янги терапевтик стратегияларни ишлаб чиқиш муҳимлигини кўрсатади.

Қуйидаги жадвалда АИТнинг турли босқичлари ва назорат гуруҳидаги беморларда Виллебранд омили даражалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

## АИТнинг турли босқичларида ВО даражасини баҳолаш

	НГ (n=94)	ЭУ (n=65)	СГ (n=25)	МГ (n=15)	ГТ (n=8)
ВО (%)	106,74±24,85	105,40±23,44	93,75±26,80	40,38±7,09*	172,11±15,94*

Изоҳ: \* — назорат гуруҳининг кўрсаткичлари билан солиштирилганда фарқларнинг ишончилиги ( $p < 0,05$ ) баҳоланган.


Олинган маълумотларга кўра, ВО даражаси эутиреоз босқичидаги беморларда 105,40±23,44% (OR=1,094; 95% CI: 0,63-1,89;  $p=0,75$ ) ни ташкил этади, бу назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар 106,74±24,85% билан деярли бир хилдир. Бу қалқонсимон безнинг нормал фаолиятида ВО даражаси барқарор қолиши ва нормал доираларда бўлишини кўрсатаган. Эутиреоз ҳолати гемостазда клиник аҳамиятга эга ўзгаришларнинг йўқлиги билан тавсифланган, бу ўртача қийматлар ва стандарт оғишлар назорат гуруҳи билан ўхшашлиги орқали тасдиқланган. Субклиник гипотиреоз босқичида текширилган гуруҳда ВО даражаси 93,75±26,80% (OR=1,96; 95% CI: 0,88-4,35;  $p=0,08$ ) гача пасайгани кузатилган. Бу пасайиш назорат гуруҳи ва эутиреоз гуруҳи билан солиштирилганда статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Манифест гипотиреоз гуруҳида эса ВО кўрсаткичининг сезиларли даражада 40,38±7,09% (OR = 47,6; 95% CI: 14,57-154,78;  $p < 0,05$ ) га пасайиши билан қон ивиши тизимида жиддий бузилишларни кўрсатган. Бу пасайиш барча текширилган гуруҳлар орасида энг катта бўлиб, назорат гуруҳи ва бошқа АИТ босқичлари билан статистик жиҳатдан ишончли фарқ қилган. Манифест гипотиреоз беморларда ВО секрециясининг етишмовчилиги ва гемостаз тизимидаги бошқа ўзгаришлар сабабли қон кетиш хавфи юқори бўлиши мумкин. Бу ҳолат ушбу беморларда тиреоид гормонларини фаол даволаш ва назорат қилиш ва даволаш зарурлигини таъкидлайди. Гипертиреозда ВО даражасининг 172,11±15,94% (OR = 0,09; 95% CI: 0,03-0,29;  $p < 0,05$ ) гача кескин ошиши кузатилган. Бу ошиш назорат гуруҳи ва барча бошқа АИТ босқичлари билан солиштирилганда статистик жиҳатдан ишончлидир. Гипертиреоз кўзгалган метаболик фаоллик ва яллиғланиш жараёнлари билан тавсифланади, бу ВО эндотелиал хужайралар томонидан секрециясини рағбатлантиради. Гипертиреоз босқичида беморлар гиперкоагуляцион ҳолат сабабли тромбоземболик асоратларга мойил бўлиб, антикоагулянт терапияни диққат билан кузатиш ва зарурат туғилганда уни тузатишни талаб қилади.

Шу тариқа, СРО ва ВО даражасининг ошиши АИТда эндотелиал дисфункцияси бўлган беморларни бошқаришда клиник амалиётда муҳим диагностик ва прогностик маркер сифатида хизмат қилиши мумкин. Ушбу тадқиқот эндокринология ва аутоиммун касалликлар соҳасидаги келгусидаги илмий изланишлар учун янги истиқболларни очиб, беморлар ҳаёти сифати ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган.

**Эндотелиал дисфункция кўрсаткичлари ва АИТнинг функционал фаоллик кўрсаткичлари ўртасида корреляцион таҳлил.**


Қуйидаги расмда (2-расм) АИТнинг турли босқичларидаги беморларда СРО ва Виллебранд омили даражалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

келтирилган. График тиреоид безининг ҳолати СРО ва ВО даражаларига таъсир кўрсатишини намоён этмоқда. СРО ва ВО даражалари ўртасида ўртача кучли манфий корреляцион боғлиқлик аниқланган ( $r = -0,493$ ;  $p < 0,001$ ). Манифест гипотиреоз бўлган беморларда СРО даражаси юқори, ВО эса паст кўрсаткичларга эга бўлиб, бу кучли яллиғланиш жараёнини кўрсатади. Бунга қарши, гипертиреоз ҳолатидаги беморларда юқори ВО миқдорига қарамай, СРО даражаси нисбатан паст бўлиб, бу ҳолатларда яллиғланиш жавоби фарқ қилишини кўрсатиши мумкин.



**2-расм. АИТнинг турли босқичларидаги беморларда СРО ва ВО ўртасидаги корреляцион боғлиқлик**


Шунингдек, қуйидаги 3-расмда АИТнинг турли босқичларидаги беморларда ВО ва ТТГ даражалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик келтирилган.



**3-расм. АИТнинг турли босқичларидаги беморларда ВО ва ТТГ ўртасидаги корреляцион боғлиқлик**

График шуни кўрсатадики, ТТГ даражаси ва ВО ўртасида ўртача кучли манфий корреляцион боғлиқлик аниқланган ( $r=-0,676$ ;  $p<0,001$ ). Бу шундай маънони англатадики, ТТГ даражаси ошганида, одатда, ВО даражаси пасаяди, бу гипотиреоз ҳолатида коагуляция фаолияти ва эндотелиал функциясининг ўзгаришини кўрсатиши мумкин. Эутиреоз ва гипертиреоз билан касалланган беморлар ВО даражаси юқори бўлган, аммо субклиник ва айниқса манифест гипотиреоз беморларда ВО пасайган. Бу маълумотлар қалқонсимон без фаолияти бузилган беморларда, айниқса, гипотиреоз ҳолатида коагуляцион параметрларни мунтазам мониторинг қилиш зарурлигини таъкидлайди.

4-расмда АИТнинг турли босқичларидаги беморларда СРО ва ТТГ даражалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик маълумотлари келтирилган.




**4-расм. АИТнинг турли босқичларидаги беморларда СРО ва ТТГ ўртасидаги корреляцион боғлиқлик**

График шуни кўрсатадики, СРО ва ТТГ даражалари ўртасида кучли мусбат корреляция мавжуд ( $r=0,722$ ;  $p<0,001$ ). Бу шундай маънони англатадики, ТТГ даражаси ошганида СРО даражаси ҳам кўтарилади. Бу боғлиқлик айниқса манифест гипотиреозли беморларда яққол кўринади, бу ерда ҳар икки маркернинг энг юқори даражалари кузатилган. Эутиреоз ва гипертиреозли беморларда эса бу кўрсаткичлар нисбатан паст даражада сақланмоқда. Бу маълумотлар яллиғланиш жараёнлари ва коагуляцион бузилишлар манифест гипотиреозли беморларда кучлироқ эканлигидан далолат беради.

Тадқиқотдаги айрим кўрсаткичларнинг диагностика аҳамиятини чуқурроқ таҳлил қилиш учун ROC қийматларини (Receiver Operating Characteristic) таҳлил қилиш усули қўлланилди. ROC таҳлили турли чегаравий қийматларда диагностика тестининг сезувчанлиги ва спецификлигини баҳолашга имкон беради, бу эса тадқиқ этилаётган кўрсаткичларнинг диагностик қийматини аниқроқ белгилашга имкон беради.

Қуйидаги график АТ-ТПО, СРО ва ВО каби турли кўрсаткичлар учун ROC қийматларини тасвирлайди. Ушбу қийматларнинг таҳлили ҳар бир

параметрнинг диагностика аҳамияти ҳақида муҳим маълумотларни тақдим этади, бу эса келгусида аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморлар учун аниқроқ диагностика ва даволаш усуллари ишлаб чиқишда ёрдам беради.



**5-расм. ROC графиги.Тестнинг сезувчанлиги ва спецификлигини баҳолаш**

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Аутоиммун тиреоидит билан касалланган беморларда IL17A, IL17F, IL 23R генлари полиморфизмининг генетик хусусиятлари ва уларнинг эндотелиал дисфункция кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги»да генетик тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Биз олиб борган тадқиқот натижалари IL17A генининг G197A полиморфизми ва АИТ ўртасида потенциал боғлиқлик мавжудлигини кўрсатган.

**8-жадвал**

**Генотиплар ва аллеллар бўйича тақсимот**

Гуруҳ	Аллел				Генотип					
	G		A		G/G		G/A		A/A	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
Манифест гипотиреоз	17	56,67	13	43,33	4	26,67	9	60	2	13,33
Субклиник гипотиреоз	37	74	13	26	14	56	9	36	2	8
Эутиреоз	81	62,31	49	37,69	28	43,08	25	38,46	12	18,46
Гипертиреоз	11	68,75	5	31,25	4	50	3	37,5	1	12,5
Назорат гуруҳи	155	82,45	33	17,55	66	70,21	23	24,47	5	5,32

IL17A генининг G197A полиморфизми бўйича генотиплар ва аллелларнинг тақсимоти асосий гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасида фарқлар борлигини кўрсатди. Бу генетик боғлиқликларнинг кейинги ўрганилиши

